

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси**

**Кутубхона ва маҳаллий органлар  
ҳамкорлиги**

Тошкент - 2004

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси**

**Кутубхона ва маҳаллий органлар  
ҳамкорлиги**

Методик библиографик тавсия

Тошкент - 2004

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди:

Тузувчи: Рўзиева Ф

Муҳаррир: Маматраимова Т

Мазкур кўлланмада кутубхоналар ва маҳаллий ташкилотлар ҳамкорлигида олиб борилган ишлар хақида маълумот берилиб, бундан кейин кутубхоналар ишини яхшилашда ҳокимият вакиллик органлари билан алоқалар ўрнатиш йўллари ва иш шакллари хақида баъзи фикрлар берилмоқда.

Тафаккурнинг толмас қанотлари китоб. Китоблар - инсоният фикр дурдоналарини тўплаб авлодларга етказди.

Ойбек

Онгли мавжудот, яъни одамзод яратган мўъжизалардан бири бу китоб ҳисобланади. Китоб инсоният ижодётининг энг сара маҳсули, аждодлардан қолган бебаҳо меросдир. Технология қай даражада ривожланмасин, китоб ўз ўрнида муҳимлигича қолади.

Ҳар бир жамиятнинг ривожланиши унинг маданияти, фани, маънавий бойликларига, тарихига боғлиқдир. Кутубхона эса шу адабиётлар билан мавжуд.

Китоб илм ва тафаккур чироғи экан, биз уни келгуси авлодлар учун кўз қорачиғимиздек асраб авайлашимиз керак деб ўйлаймиз.

Республикамизда деярли барча кутубхоналар давлат тасарруфида туради. Шундай бўлсада кутубхоналаримизга туман ҳокимлиги, турли жамғармалар яқиндан ёрдам бериб ҳамкорликда ишлаб келмоқдалар.

Биз ушбу қўлланмада ана шу кутубхоналарнинг бошқа ташкилотлар ва бошқарув органлари билан ҳамкорликдаги ишлари ҳақидаги баъзи фикрларни ва олиб борган ишларидан намуналар келтирдик.

## *Кутубхоналарнинг жамиятда тутган ўрни*

Одамлар китоб ўқишдан  
тўхтасалар, фикрлашдан ҳам  
тўхтайдилар.

Д.Дидро

Бугунги кунда барча соҳаларга автоматлаштирилган технологиялар кириб келмоқда. Бу албатта яхши, лекин китоб ўрнини ҳеч қачон компьютерлар эгаллаб ололмайди. Баъзилар компьютерлар, СД лар мавжуд, кутубхона ва китобнинг аҳамияти йўқ деган фикрларни ҳам билдиришмоқда. Лекин бу фикрлар тор маънодаги фикрлар деб ўйлаймиз. Ҳар доим кутубхоналар жамият ҳаётининг бир бўлаги бўлган, фан ва маданиятнинг ривожланиши кутубхона ва китобсиз бўлмаган, бўлмайди ҳам. Тарихга назар солсак, буюк қомусий олимларимиз даврида технология ривожланмаган ҳатто мавжуд бўлмаганда ҳам, жаҳон фан ва маданият тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшган алломалар Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Умар Хайём, Форобий, Бобур каби олиму фузалолар китоб мутолаа қилиб, ўз илмларини авлодларга ёзиб қолдирганлар.

Ҳар бир инсон ҳаётда ўз орзулари, олдига қўйган эзгу ният ва амаллари билан яшайди. Ҳар қандай инсон жамиятда ўз ўрнини топиш учун энг аввало билимли, ақлли, камтар ва меҳнатсевар бўлиши лозим. Одамзод ўқиб ўрганиш ва меҳнат қилиш билан ўз онгги, тафаккурини кенгайтиради, юқори пағоналарга кўтарила олади.

Миллий ғоя, мафқуранинг шаклланиши ва тараққий этиши маданий-маърифий муассасалар,

зиёлилар зиммасига катта маъсулият юклайди. Бу ишда ҳар кимнинг ўз вазифаси бор. Агар олимлар миллий ғояни шакллантириш бўйича тадқиқотлар, ёзувчилар миллатни бирлаштирувчи ғояларни тараннум этувчи бадиий асарлар, санъаткорлар эзгуликка, миллий тараққиётга хизмат қилувчи ижод намуналарини яратсалар, кутубхоначилар, музей ва клублар ходимлари жойларда миллий мафкура тарғиботи, мактаб ўқитувчилари ўқувчилар онги ва қалбига инсонпарварлик ҳамда миллатпарварлик ғоя ва туйғуларини сингдириш билан шуғуллансалар, табиийки, жамият олға дадил қадам ташлайди.

Ҳаётимизда китоб ва кутубхоналарнинг аҳамияти катта. Китоблар дунёни янада гўзаллаштиради инсониятнинг турмуш тарзини яна ҳам яхшилади, тараққиётнинг тезлашига ёрдам берувчи манба ҳисобланади.

Республикамиз кутубхоналарида китобхонларга хизмат кўрсатиш турлари кўпайиб юкори натижаларга эришилмоқда. Кутубхоналарда китобни тарғиб этишнинг турли шакл ва усуллари мавжуд: анъанавий китоб кўргазмалари, китобхонлар анжуманлари, турли кечалар, асарлар юзасидан давра суҳбатлари, учрашувлар, китоб тақдимотлари, обзорлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари йирик кутубхоналар турли мавзуларда қўлланма ва тавсиялар чиқариб борадилар.

Ҳар қандай жамиятда ахборотлар инсоният фаолиятининг асосий маҳсулларидан бири ҳисобланади. Жуда катта маълумот бериш салоҳиятига эга кутубхоналар библиографик ахборот тарқатиш билан бир қаторда фактографик ва таҳлилий фаолият соҳаларини кўшиб олиб борадилар. Ахборот

технологиясининг пайдо бўлиши кутубхона фондларини таъминлайдиган объектларни кўпайтирди. Кутубхона фаолиятига автоматлаштириш ва телекоммуникация воситалари жорий этилмоқда. Кутубхоналар тармоғини кутубхоначилар ва китобхонларнинг автоматлаштирилган иш жойлари, шахсий ЭТМлардан фойдаланиш имкониятлари бўлган ахборот марказига айлантириш лозим. Кутубхона амалиётига автоматиканинг жорий этилиши кутубхона ходимлари ишини енгиллаштиради, китобхонларга хизмат кўрсатишни яхшилади. Айни вақтда барча тизимдаги кутубхоналар иш самарадорлигини ошириш учун шундай иш олиб боришлари керакки, кутубхоналар китобхонларга қандай зарур бўлса, маҳаллий бошқарув органларига ҳам шундай кераклигини исботлай олиши лозим.

Барчамизга маълумки, маҳаллий ҳокимият ва ташкилотлар билан кутубхоналар ҳамкорликда иш олиб боради. Улар иш фаолиятида керак бўлган адабиётлар ва ахборотлар кутубхона фондларида сақланади. Ўлка ҳақидаги ахборотлар маҳаллий бошқарув ташкилотларига жуда керак. Шунинг учун улар кутубхонадаги ўлкашунослик ишларини яхшилашда, янада ривожлантиришда молиявий томондан қўллаб қувватлашлари лозим. XX асрнинг 80 – йиллари охирларида Францияда маҳаллий бошқарув органлари кутубхоналарнинг 60% харажатларини молиявий жиҳатдан таъминлаган, қолган 40% харажатларни давлат қоплаган. Америка Қўшма Штатларида эса оммавий кутубхоналар харажатларининг 77% ини маҳаллий бошқарув органлари қоплайди. Барча демократлашган мамлакатларда кенг китобхонлар талабини қондириш

учун маҳаллий бошқарув органлари кутубхона ва маданият муассасалари ҳамкорликда иш олиб боради. Шаҳар аҳолисининг кизиқиш ва талабларини қондириш учун демократик ҳокимият ташкилоти сифатида маҳаллий бошқарув органлари маҳаллий ҳаёт тарзини яхшилади ва бошқаради. Кутубхона иши ва маданий фаолиятни ташкил этиш маҳаллий ҳокимиятнинг вазифаларидан бири ҳисобланади.

Кутубхона - бу маҳаллий бошқарув органларининг маданият муассасаси, маданият ўчоғи бўлиб, жамият фуқароларининг ўро мулоқат маркази деб атаса бўлади. Ҳозирги кунда кутубхоналар фаолиятининг ривожланиши ўша ҳудуднинг ҳокимият органлари раҳбарларига, фаол жонкуяр инсонларига ва иқтисодий жиҳатдан қандай таъминланганлигига боғлиқ. Кутубхоналар фонди қанчалик тўлиқ бўлса, китобхоналар талаби ҳам шунча тўлиқ қондирилади.

Мустақилликдан сўнг кутубхоналар фаолиятида ҳам анча ўзгаришлар юз берди. Эндиликда кутубхоналар фақат китоб бериш билан чекланмасдан балки кутубхонада турли марказлар ташкил қилинган. Масалан Тошкент вилояти унверсал илмий кутубхонасида Ҳуқуқий ахборот маркази ташкил қилинган бўлиб, у ерда малакали ҳуқуқшунослар ўз маслаҳатларини бериб келмоқдалар. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида ҳам Ёшлар ахборот ресурслари маркази ва «ИнфоЗна» клуби фаолият кўрсатиб келмоқда.

Умуман олганда кутубхоналарда ҳозирги кунда кутубхона фондларини тўлдириш, замонавий технологиялар билан кутубхоналарни таъминлаш, кутубхоналар биноларини тамирлаш учун маблағ зарур бўлиб, буларни бюджетдан тўла қоплаб бўлмайдиган,

ана шу ишларда кутубхоналарга ҳомий ва ҳамкорлар лозим.

### **Кутубхона – ахборот маркази сифатида**

Китоб - дилга нур беради. Дил нуридан эса, инсон кўзи равшанлашади, оламни кўради, англайди, тўғри йўл ила бахт - саодат топади. Инсоннинг ақл заковати ва билимларини сақлаш ва кенг ёйишнинг энг мукамал қуроли бўлган китоб шахснинг ҳар томонлама юксалишига ва ижтимоий тараққиётига ёрдам беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бизнинг диёримизда барча соҳада ўзгаришлар юз берди. Шу жумладан маданият соҳасида ҳам собиқ иттифок давридаги баъзи бир адабиётлар кутубхона фондларидан чиқарилди. Кутубхоналар фаолиятида янги технологиялар кириб келди.

Республикамиз вилоят ва туман кутубхоналари маҳаллий ҳокимият ва ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қанча ишлар олиб бормоқдалар. Кутубхона жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият билан турли шаклда иш олиб бориши лозим. Масалан, оммавий тадбирлар, халқ сайиллари, байрам томошалари ташкил этиш, ташкилот ва ҳокимият вакиллари ахборотлар билан таъминлаш ишларини олиб боришлари мумкин. Бундан ташқари оммавий кутубхоналар кенг китобхонлар оммасига хизмат қилиш билан бир қаторда ҳозирги кунда ахборот марказига айланиб бормоқда. Кутубхонада ҳар кунги газета ва журналлар, китоблардан ташқари қабул қилинган қарор, қонун ва президент фармонлари сақланади.

Кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолиятида шу ҳудуднинг ўтмиши, ҳозирги аҳволи, ривожланиш

даражаси, табиий бойликлари завод ва фабрикаларнинг иқтисодий ҳолати ҳақида доимий ахборотлар мавжуд бўлиб, улардан кенг китобхонлар оммаси тўлиқ фойдаланадилар.

Республикамиздаги барча катта-ю кичик кутубхоналар ўз иш фаолиятлари давомида бир қатор тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалга оширадилар.

2002 йилда Андижон вилоятидаги барча шаҳар ва туман кутубхоналарида «Қарияларни кадрлаш йили» га бағишлаб тадбирлар ўтказилди.

«Қарияларни кадрлаш йили» муносабати билан Бобур номидаги вилояти илмий универсал кутубхонасида қарияларга кутубхона хизмати кўрсатиш бўйича ташкилий – маърифий тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва Андижон вилоятининг «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази», «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, фахрийларни ижтимоий қўллаб қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилди.

Андижон шаҳридаги Исломобод маҳалла фуқаролар йиғинида вилоят ҳокимлиги ходимлари, вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари ва кутубхоналар ҳамкорлигида турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди. Кутубхоналарнинг ўлкашунослик ишларида бевосита ўша жойнинг яъни кутубхона жойлашган туман, шаҳар, қишлоқ тарихи ва ҳозирги аҳволи ўз аксини топади. Ўлка тарихи, маданияти, маънавий қадриятларига эътибор ёшлар орасида кундан кунга ортиб бормоқда. Ўлкашунослик характеридаги оммавий тарғибот ишларини ўтказишдан мақсад ҳам ҳозирги кунда ўсиб келаётган ёш авлоднинг

Ўз ўлкасига, унинг ижтимоий иқтисодий ривожланишида уларни ҳам жалб қилишдир. Жумладан, буюк шоир ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятининг тарихини чуқурроқ ўрганиш мақсадида 2002 йил 11 майда «Бобур экспедициясининг биринчи сафарга чиққан кунига 10 йил тўлиши» муносабати билан «Олтин мерос», «Бобур» жамғармалари билан ҳамкорликда «Бобур изидан» мавзусида учрашув ўтказилди.

Тошкент вилоятида 501 кутубхона мавжуд бўлиб, улар ҳокимлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб келмоқдалар. Тошкент вилоят унверсал илмий кутубхонасида адабиётларни тарғиб қилиш борасида турли мавзуларни ўз ичига олган кизиқарли оммавий тадбирлар жуда кўп ўтказилиб турилади.

2002 йил 11 сентябрь куни «Жамиятимизни эркинлаштиришнинг янги босқичи» мавзусида Республика Олий Мажлиси депутатлари билан учрашув кечаси ўтказилиб, уни адабиётшунос олим Наим Каримов олиб борди. Учрашувда сўзга чиққан Олий Мажлис депутати, «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раиси Хуршид Дўстмухамедов иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг маърузасида мамлакатимиз мустақил ривожланишининг асосий босқичларини атрофлича таҳлил этганлигини, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устивор йўналишлари ва тамойилларини атрофлича

белгилаб берганлигини ҳаётий масалалар ёрдамида таҳлил қилиб берди.

Тадбирда сўз олган вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Рамзиддин Бахромов ва бошқалар жамиятимизни эркинлаштиришнинг янги босқичи талаблари асосида фаолият кўрсатиш бугунги кунда маданият, маънавият, адабиёт–санъат ходимларининг бурчи эканлиги ҳақида фикр юритдилар. Бундан ташқари кутубхонада «Турон дурдоналари» номли вебсайтининг тақдимоти ўтказилди. Унга мамлакатимиз кутубхоналаридаги ноёб китоблар ва Шарқ қўлёзмалари киритилган. Республикамизнинг турли жойларидаги китобхоналар интернет орқали ундан фойдаланишлари мумкин.

Кутубхоналар Наврўз байрами муносабати билан Маданият ишлари вазирлиги, туман маданият ишлари бўлимлари, «Камолот», «Соғлом авлод» жамғармалари, «Маҳалла» ва бошқа ҳомийлар ёрдамида тадбирлар ўтказилди.

Айни вақтда маҳаллий ташкилотлар кутубхоналарга яқиндан ёрдам бериб, кутубхоналар иш фаолиятини ва янгиликларини тарғибот қилишда ҳам кўмаклашиб келмоқдалар.

2003 йил 25 – 27 март кунлари Ўзбекистон Очиқ жамияти институти Кўмак жамғармаси, Тошкент вилояти кутубхоналар ассоциацияси, Тошкент вилоят универсал илмий кутубхонаси, Бўстонлик туман ҳокимияти, Бўстонлик туман МКТ марказий кутубхонасида кутубхоначилар учун «Янги жамият учун янги кутубхона» семинар–тренингини ўтказдилар.

Семинарни Бўстонлик туман ҳокими К.Ишонқулов табрик сўзи билан очиб берди. Семинарда қатор масалалар, жумладан: ҳозирги

ахборот технологияларидан кутубхона иш фаолиятида кенгроқ фойдаланиш, кутубхонада ўлкашунослик иши, кутубхона фондлари, мажбурий нусха, кутубхоналарнинг услубий ишларидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида фикр юритилди.

Семинар ишида Тошкент вилоят универсал илмий кутубхонасининг бўлим бошлиғи Г. М. Афанасьев «Туман кутубхонасининг маҳаллий ҳокимият, ўз-ўзини бошқарув ва тижорат органлари билан иши» мавзусидаги; Тошкент Давлат Маданият институти кутубхонаси директори З. Ш. Бердиева «Кутубхона минтақадаги ННТ учун ахборот маркази сифатида» мавзусидаги маърузасида айнан туман кутубхонаси тумандаги барча раҳбар маҳаллий ҳокимият, ўз ўзини бошқарув, тижорат, ННТ учун ахборот маркази сифатида хизмат кўрсатиши, бунинг учун уларда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва кутубхона имкониятларини яхшилаш масалаларига тўхталиб ўтдилар.

Семинар–тренингда кутубхоналарнинг ўлкашунослик ишлари кўниқарсизлиги ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтилди. Бўстонлик туман МКТдан олинган маълумотлар шуни кўрсатади, ўлкашунослик соҳасида кутубхоналараро ва ташкилотлараро алоқа яхши йўлга қўйилмаган. Чунки шаҳар ва республика миқёсида у ёки бу ўлкашунослик адабиёти ёки ҳужжатининг тайёрланганлиги ва босиб чиқарилганлиги ҳақида истеъмолчиларни хабардор қиладиган ахборот хизмати йўқ.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни ечишда мажбурий нусха олишни йўлга қўйиш, нашриётлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, ҳамда илмий ва архив муассасалари, шунингдек

ўлкашунослик соҳасида фаолият юритадиган одамлар билан алоқа ўрнатиш муҳим ҳисобланади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда кутубхоналар иш фаолиятдан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий ахборот марказларига айланиб бормоқдалар.

Бухоро вилоят кутубхоналарида ҳам ўтган йилларда маҳаллий бошқарув органлари ҳамкорлигида бир қанча ишлар қилинган.

Бухоро вилоят универсал илмий кутубхонасининг ўсмирлар бўлими қошида ташкил қилинган «Суҳбатдош» мулоқот клуби 2002 йилда «Каунтерпарт Консорциум» жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланган «Фуқаролик жамияти мактаби» лойиҳаси бўйича иш олиб борган. Бу лойиҳани ҳаётга тадбиқ этиш ўқув дастурларини ўтказиш йўли билан ўсмирларда танқидий фикрлашни ва фаол фуқаролик мавқеини ривожлантиришга қаратилган. Ушбу мавзудаги адабиётларни сотиб олиш учун 1,011476 сўм ажратилди. 220 нусха янги адабиётлар китоб сотиб олинди. Қуйидаги мавзуларда тренинглар ўтказилди:

Фуқаролик жамияти ва биз

Ўқув ва ўсмирлар

Шахс ва жамият

Бундан ташқари Бухоро вилоят универсал илмий кутубхонасининг ўсмирлар бўлими яна Каунтерпарт Консорциум жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ахборот маркази, Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Мактабдаги ҳаётим» мавзусида болалар расмлари тақдироти ўтказдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида ногирон болалар учун «Бухоро палас» меҳмонхонасида ўтказилган Наврўз байрами инсонпарварликнинг энг олий намунаси бўлди. Бу кун

вилоятдаги кўпгина корхона ва ташкилотлар хайру саховат кўрсатдилар. Ушбу тадбир ногирон болалар учун унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Кутубхона ходимлари, вилоят ҳокимлиги, халқаро болалар жамғармаси, «Умр» жамоат маркази ходимлари тадбир қатнашчиларини улуғ айём билан табриклар болажонларга совғалар улашдилар.

Бухоро тиббиёт институти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бухоро ВУИК қошида ташкил қилинган Ҳуқуқий ахборот маркази, абонемент бўлими ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишлаб «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» мавзусида билимдонлар беллашуви ўтказилди.

Нафақат вилоят балки туманлардаги кутубхоналарда ҳам маҳаллий бошқарув органлари ёрдамида турли тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Ғиждувон туман марказий кутубхонасида ҳам турли тадбирлар ўтказилди. Кутубхона ходимлари туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда Хожа Абдуҳолик Ғиждувонийнинг 900 йиллик юбилеи муносабати билан бир неча тадбирлар ўтказдилар.

Мустақиллик йилларида кутубхоналар фондида анча ўзгаришлар бўлди. Ҳозирги кунда асосий вазифалардан бири кутубхоналарнинг моддий – техник негизини яхшилаш чора-тадбирлари, кутубхоналарнинг биноларини таъмирлаш ва китобхоналарга қулай шароит яратиш борасида кўпгина ишлар қилинди.

Ўтган йили Самарқанд вилоят ҳокими ҳар бир шаҳар ва туман ҳокимлигида бўлиб, кутубхоналардаги мавжуд муаммоларни ечиш юзасидан барча масалалар муҳокама қилинди. Вилоят ҳокимлиги томонидан Оқдарё туман кутубхонасининг китоб жамғармасини

бойитиш учун 3 млн сўм, Булунгур туман кутубхоналари учун 1 млн сўмлик янги адабиётлар сотиб олиб берилди.

Ш.Рашидов номидаги Жиззах илмий-оммабоп кутубхонаси 2003 йил «Обод маҳалла йилига» бағишлаб «Ҳаёли киз – маҳалла кўрки» мавзусида кизлар кўрик танлови ўтказилди.

Ўтказилган тадбирда вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи муовини К. Сирлиев, халқ ижодиёти маркази директори Р. Саримсоқов ва бошқалар иштирок этиб, танлов ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Айни вақтда кутубхона фондларини жамлаш молиялаштиришга бевосита боғлиқ бўлиб, обуна ва китоб жамлаш учун жуда кам маблағ ажратилмоқда. Нашриётлар томонидан мажбурий нусха берилиши тўхтатиб қўйилганлиги кутубхоналар фондиди тўлиқ жамлашга имкон бермайди. Бу китобхонларга изчил ва сифатли хизмат кўрсатишга, ўзбек тилидаги адабиётларни исталганча олишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кутубхонада иш унумдорлигини ошириш мақсадида маҳаллий бошқарув органлари билан ҳамкорликда кутубхона раҳбарлари ўртасида семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилиб кутубхона иш режаларини тузиш вақтида маслаҳатлашиб иш олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кутубхона фаолиятини тарғиб қилиш биринчи ўринда унинг иш унумдорлигини оширади. Бунинг учун илғор тажрибали кутубхоналар иш фаолиятини ўрганиш ва улар билан ҳамкорликда ишлаш керак. Кутубхоналар фаолиятини матбуот ва телевиденияда тез тез ёритиб туриш лозим.

Хулоса килиб айтганда кутубхоналар бугунги кунда барча соҳаларда ва барча йўналишдаги китобхонлар учун ахборот маркази, турли йўналишда таълим ва тарбия маскани, жамоат ташкилотлари ва машҳур кишиларнинг мулоқот марказига айланиб бормоқда.

### ***Маҳаллий бошқарув органлари ва кутубхона***

Республикамізда ҳозирги кунда янги китобхонлар гуруҳи пайдо бўлди. Ушбу гуруҳ маҳаллий бошқарув органлари фаолияти билан кизиқиб, бевосита улар билан иш олиб боради. Маҳаллаларда ташкил қилинган ўз – ўзини бошқариш кенгашлари ходимлари шулар жумласидандир. Улар учун шу ҳудуддаги барча ташкилот ва муассасалар иш фаолиятини кузатиш ва ҳамкорликда ишлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Кутубхоналар ўлкага оид нашрдан чиқарилган ва нашр этилмаган барча ҳужжатларни маҳаллий китобхонлар учун тўплайдилар. Бундай ҳужжатларга маҳаллий харажатлар ҳақидаги ахборотлар, солиқ ахборотлари, ижтимоий иқтисодий, маданият, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларнинг янгилик ва ахборотлари киради.

Кутубхоналар бундан ташқари ўша ҳудуднинг меъёрий ҳужжатлари, қарорлари, маҳаллий ҳокимият органларининг фармойишларини картотекаларда тасвирлаб, каталогларга жойлаштирадилар. Умуман олганда кутубхоналар барча турдаги ҳужжатларни ўз фондига жамлаши зарур. Кутубхоналар ҳозирги кунда янги технологиядан кенг фойдаланмоқдалар.

Деярли барча кутубхоналарда компьютерлар мавжуд бўлиб, улардан кутубхона ишларида фойдаланиш қулай ҳисобланади.

Кутубхоналар билан маҳаллий ҳокимият органларининг ҳамкорлигида иш олиб бориш борасидаги вазифаларни фаоллашида, айниқса кутубхона ходимларининг ўрни каттадир. Шунинг учун кутубхона ходимлари ва раҳбариятдан қуйидагилар талаб қилинади: кутубхоначи ҳар томонлама баркамол инсон, фаол фуқаро хушмуомила, эркин бўлиши, яъни ўз фикрини ва кутубхона аҳволини бошқарув органлари раҳбарларига тушунтириб бера олиши, китобхонларга беками-қўст хизмат қилиши, турли тадбирлар ташкил қилиши лозим. Биринчи навбатда кутубхоначи ўз касби бўйича кутубхоначилик маълумотиغا эга бўлиши керак. Кутубхоначи бор имкониятлардан тўла фойдаланиши лозим.

Ҳозирги вақтда ахборотларга бўлган қизиқиш ошиб бормоқда, шунинг учун кутубхона тармоқлари ўз ишини талабига жавоб берадиган ҳолда олиб бориши, китобхонлар талабини тўлиқ қондириши зарур.

Республикамиз вилоятларида кутубхоначилик иши ва кутубхоналарга нисбатан шароитлар етарли эмас деб ўйлаймиз. Хоразм вилоятида бу соҳада анча ишлар қилинган. Лекин вилоятнинг баъзи туманларида, яъни Шовот, Гурланда кутубхоналар учун кенг, ёруғ, қулай бино ажратиб бериш ўрнига, уларни яхши шароитли бинолардан ноқулай жойга қўчириб юбориш ҳоллари учрамоқда.

Қашқадарё вилоятида ҳам туман ва қишлоқ кутубхоналарининг аҳволи яхши, деб бўлмади. Вилоятнинг баъзи кутубхоналарида давлат рамзларини

жойлаштириш ва мазмунан эскирган китобларни фонддан чиқариш ишлари қоникарли эмас.

Халқимиз қадриятларини тиклаш, маънавий баркамол авлодни тарбиялашда, маданий-маърифий муассасалар, жумладан кутубхоналарнинг ўрни бениҳоя каттадир. Чунки уларда миллатимизнинг илмий ва ижодий мероси сақланмоқда. Бунинг моҳиятини нафақат кутубхоначи ва китобхон, балки ҳокимият органи раҳбарлари ҳам тушуниб етмоғи лозим.

Кейинги 2–3 йилда кутубхоначилик ишида ахборотлаштириш ва янги технологияларни жорий этишга қаратилган фаолият анча кенгайиб бормоқда. Технологияни кутубхоналарга янада кўпроқ кўллаш учун етарли даражада маблағ керак. Шу кунларда кутубхоналар иш фаолиятида янги иш усули, фандрайзинг, яъни маблағ топишнинг турли усул ва йўллари вужудга келди. Барчамизга маълумки, кутубхоналарда баъзи хизмат турлари пуллик бўлган. Республикамиз бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан харажатлар бир мунча ошди. Бюджетдан ажратилган маблағ кутубхоналар эҳтиёжини тўла қоплай олмайди. Кутубхона ишини яхшилаш, фондни тўлдириш, оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш семинарлар ўтказиш, учун кўп маблағ керак бўлади.

Кўпчилик маданият ташкилотлари раҳбарлари кутубхоналар аҳволини тушунадилар. Айни вақтда юз берган иқтисодий ва ижтимоий туб ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда кутубхона раҳбарлари жойларда маҳаллий ҳокимлик билан доимий равишда ўзаро алоқада бўлиши зарур. Чунки кутубхона биринчи навбатда маҳаллий бошқарув органларига ва ўша

ҳудуд аҳолисига хизмат қилади. Кутубхона маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини якка тартибдаги сўроқларини ўрганади, турли мавзуларда картотекалар юритади, янги ахборотлар билан таъминлайди. Кутубхоналарда республикада қабул қилинган қонун, қарор ва давлатнинг меъёрий ҳужжатлари ва улар ҳақидаги ахборотлар сақланади. Кутубхоналар ташкилотлар учун ҳар чоракда ахборот кунларини ташкил қиладилар доимий равишда ёзма библиографик сўроқларга жавоб беради.

Кутубхона раҳбарлари ҳокимият вакиллик органларидан қайси бири кутубхоналар иши учун жавоб беришини билиб, ўша шахс билан иш олиб бориши, кутубхоналарга турли фирмалар ва тадбиркорлардан ҳомий сифатида фойдаланиши, туман ҳокимлигининг турли йиғилиш ва тадбирларида мунтазам қатнашиб туриши лозим, токи улар кутубхона раҳбарини яхши таниб олсинлар.

Ахборот барчани бирдек қизиқтиради, шунинг учун кутубхоналар кенг халқ оmmasига ва сиёсий партияларга хизмат қилмоғи лозим.

Ўтган 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган эди. Маҳаллаларнинг жамиятда тутган ўрни катта аҳамиятга эга. У жамиятимизнинг асосий бўғини ҳисобланади. Марказий кутубхона ходимлари маҳалла кутубхоналарига ёрдам ва маслаҳатлар бериб боришлари лозим. Кутубхоначилар маҳалла фаоллари ва ёшлари билан биргаликда турли мавзуларда давра суҳбатлари, танловлар, кечалар ва байрам сайилларини ўтказишлари мумкин. Маҳаллада яшовчи шоир ва ёзувчиларнинг ижодий кечаларини ташкил этиб, улар ижодини шу ернинг ўзида тарғиб қилишлари мумкин. Кутубхоналар ўз фаолиятлари давомида «Туман ва

шаҳар ҳаёти кундан кунга» мавзусида кўргазма ташкил қилиб унда шаҳар ва қишлоқ ҳаёти янгиликлари ва воқеалари, туман ҳокимлигининг қарорлари, кўрсатмалари ва янгиликларини намоиш этиб, улар билан китобхонларни яқиндан таништириб боришлари мумкин. Бу кўргазмада вақти вақти билан қабул қилинган қарорлар ҳақида ахборотлар бериш, халқ оммасини ижтимоий ғимоялаш ҳақидаги саволларга жавоблар бериб бориш мумкин.

Ўлкашунослик сўроқ ва буюртмаларини тез бажариш мақсадида ўлкашунослик картотекаси ва йиғма каталогда «Маҳаллий бошқарув органлари» рукни ташкил қилиш мумкин. Китобхонларга қулай бўлиши учун «Маҳаллий маъмуриятнинг махсус материаллари» картотекаси ташкил қилинса, иш янада самарали бўлар эди. Бундан ташқари «Ижтимоий ахборот картотекаси» ни ташкил қилиб, ҳар доим «Справка», «Реклама», «Манзил» рукнлари билан тўлдириб борилади. Кутубхонанинг асосий вазифаларидан бири маҳаллий маъмуриятни янги чиққан адабиётлардан хабардор қилиш, ахборотлар билан таъминлаб бориш ҳамдир.

Кейинги 4–5 йил ичида маҳалла ва фуқаро йиғинларига нисбатан эътибор анча кучайди. Маҳаллаларда ҳам кутубхона ва маънавият хоналари ишлари яхшиланиб бормоқда.

Айни кунларда кутубхоналарда кутубхона маркетинг вужудга келиб, кутубхоналар маркетинги ва фандрайзинг фаолиятини олиб бормоқдалар. Республикамизнинг барча кутубхоналари маркетинг ишини ривожлантирсалар, турли клублар ташкил қилсалар, тез-тез оммавий тадбирлар ўтказиб, пуллик хизмат турларини кенгайтирсалар, бу маблағ томондан

оз бўлсада ёрдам бўлар эди. Масалан кутубхонада компьютер мавжуд бўлса, китобхонлар учун пуллик интернет хоналари, нусха кўчириш қурилмалари олиб, уларни ишлатиб маблағ топиш мумкин.

Умуман олганда, ҳозирги кунда кутубхоналар ўз иш фаолиятларини янгида дастур ва усуллар билан олиб боришлари лозим. Шундагина кутубхонанинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи ошади. Бу ҳозирги ахборот технологиялари асрида кутубхоналарнинг ҳам ўрни муҳим эканлигини кўрсатади.

### **Адабиётлар рўйхати**

Давлатов С. Хазинов //Гулистон. – 2001. - № 3. - Б.3

Муҳаммадамин Н. Таълим ва маданият маскани //Ўзбекистон матбуоти. – 2000. - № 3. – Б. 44 – 45.

Набиева М. Маърифат кутубхона остонасида //Гулистон. – 2001.- № 2.- Б. 56 – 57.

Назарова Г. Маърифат китобдан бошланади //Гулистон. – 2001.- № 3. – Б. 62.

Раҳимова М. «Турон» - халқ хизматида //Гулистон. – 2001. - № 3. – Б. 18.

Қаландарова Г. Кутубхона – иккинчи уй //Гулистон. – 2001. - № 3. – Б. 35.

Библиотеки – обществу: На пороге нового века: К 10–летию библиотечного демократического движения в России: (Сб. статей) /Сост.Б.Ф.Володин,А.В.Соколов.- Санкт-Петербург: Петербургское библ. о-во,1999.-246 С.

Бутковская М., Харьковская И. «Библиотека-муниципальный общедоступный информационный центр» ... //Библиотека. – 1998. - № 7.– С. 6–11.

Гончаренко Н. Справочное бюро для администрации //Библиотека. - 2001. - №8.– С.26-27.

Зайцев В.Н. Профессия должна иметь авторитет! //Библиотека. – 2003.- № 1.– С.6–8

Инновационная деятельность библиотек: сотрудничество и взаимодействие»: Материалы круглого стола - «Кутубхоналарнинг инновация фаолияти: ҳамкорлиги ва ўзаро алоқаси»: Давра суҳбати материаллари /Редакционный совет: И.З.Маминова, И. Е. Пугач, Т. В. Парыкина и др. Пер.: Д.Б.Бекимкулов: Нац.б-ка Узбекистана им А.Навои – Т., 2003.-143 С.- (Бетгеровские чтения – 2002).Текст на рус и узб. яз.

Канафина А. Взаимодействие библиотек и органов власти // Китапхана. –2003.-№1.–С.8–10.

Краеведческая работа региональных библиотечно–информационных систем: Инфор – реком пособие часть 2 /Нац. биб. Кыргызистана , 2000. – 82 С.

Маркетинг – современная концепция управления библиотекой: Науч. – реф. сб. /Сост. С. Д. Колегаева – Москва: РГБ, 1994.–146 С.

Огурцова Е. Корни народовластия //Библиотека.- 2003.-№ 4.–С.35.

Босишга рухсат этилди “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2004 йил  
Бичими \_\_\_\_ нашр. т. \_\_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_

---

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер  
Навой номдаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
босмахонасида чоп этилди